



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 10 апрель, № 68 (5742)

Чоршанба

Замонавий уй-жой ва коммуникация тармоқлари барпо этиш, умуман, ободончилик масаласи аҳоли турмуш маданиятини оширишнинг асосий мезони, фаолиятимизнинг бош мақсади бўлиб келаётгани яхши маълум. Мамлакатимизда янги — 2013 йилга “Обод турмуш йили” деб ном берганимизни, авваламбор, Ўзбекистонда бу борада олиб борилаётган давлат сиёсатининг узвий ва манتيқий давоми сифатида қабул қилиш ўринли бўлади. Бугунги кунда юртимизда қурилаётган намунавий уй-жой массивларини коммуникация тармоқлари ва ижтимоий инфратузилма билан биргалликда комплекс ҳолда барпо этиш бўйича самарали тизим яратилгани ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ислон **КАРИМОВ.**



TOSHKENT  
16-17 APREL 2013

## ФАХР

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ўзлгимизни англаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, буюк аجدларимиз хотирасини эъзозлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ана шундай эзгу саяё-ҳаракатлар самараси туфайли Амир Темур шахси, жаҳон тарихидаги ўрни, халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари асл мақомига қайтди.

## Улуғ Соҳибқирон ёди

1996 йил мамлакатимизда Амир Темур йили деб эълон қилинди, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида мухташам ҳайкаллари қад ростлади. Улуғ бобомиз шарафига орден таъсис этилди. 2011 йили Юртбошимиз таклифи ва сўзбошиси билан “Темур тузуклари” асари муқамал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди. Бугун миллигимиз гуруҳини кўқларга кўтарган буюк Амир Темур сиймоси улуғлиги, унинг адолат, ҳақиқат ва юртни ҳар жиҳатдан тараққий эттиришдек нурли орзуси ўз рўёбини топмоқда.

Бу ҳақда шу кунларда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 677 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган маънавий-маърифий анжуманларда алоҳида таъкидланмоқда. Хусусан, кеча пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, олимлар, ижодкорлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, ўқитувчи ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).



## Бу уйларнинг файзи беқиёс

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган тураржойлар замонавий архитектура талабларига тўла жавоб бериши ва муқамал инфратузилмага эгаллиги жиҳатидан хонадон соҳибларига манзур бўлапти.

Бунинг боиси бор, албатта. Эндиликда қишлоқларимиз кўркак қўшиб, одамлар ҳаётига янгилик олиб кираётган бундай уйларни бунёд этишда, энг аввало, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос табиий иқлим шароити, рельефи, экологик ҳолати ҳисобга олиниб, уни ташқи инфратузилма воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бошқача айтганда, уй-жойларни қуриш жараёнида ички йўлларга асфальт ётқириш, газ, электр энергияси ва ичимлик суви тармоқларини тортиш ишлари ҳам тўла-тўқис бажарилмоқда.

Вилоятимизда кейинги уч йил давомида 72 та массив барпо этилиб, улардаги 1702 та замонавий иморатга ҳамюртларимиз кўчиб киришди.



Ушбу мақолаларнинг давоми ва қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар қурилишига бағишланган махсус саҳифа билан газетамизнинг 4-бетиде танишасиз.



## Бахтли ҳаёт таровати

Қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган ислохотлар кейинги йилларда қўламини ва миқёси жиҳатидан ниҳоятда кенгайди. Чекка ҳудудларда ҳам замонавий тураржойлар, мухташам спорт иншоотлари, кўркам мактабу коллеж бинолари барпо этиляпти, саноат қишлоққа жадал кириб бормоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бунёдкорлик ишларини янги босқичга олиб чиқди.

Дарҳақиқат, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида дунёнинг аксарият давлатларида қурилиш, хусусан, уй-жой қурилиши суръати кескин пасайиб кетган бир пайтда Ўзбекистон бу борада ҳавас қилишга арзигулик муваффақиятларни қўлга киритаётди. Бу эса ҳақли равишда халқаро экспертларнинг эътирофи-га сазовор бўлмоқда. Шу йил-

нинг 16-17 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган “Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқни комплекс ривожлантириш ва ўзгартириш, аҳоли ҳаёти сифатини яхшилаш локомотивидир” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишида тўпланган Ўзбекистон тажрибаси

билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Республикаимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Сирдарё вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Пировадидида қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳарлар билан бўйлашаётган обод манзиллар пайдо бўляпти. 2009 — 2012 йилларда мазкур ҳудудда намунавий лойиҳалар асосида 965 та замонавий тураржой барпо этилгани, улар табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси тармоқлари билан тўлиқ таъминлангани, раvon йўллар барпо этилгани бунинг тасдиғидир. Бу ишларнинг барчаси 60 га яқин қурилиш-пудратчи ташкилотлар томонидан бажарилгани ҳам эътиборга лойиқ.

## Ўзбекистон «FOODEX — 2013» кўرғазмасида

Яқинда Япониянинг Чива префектурасига қарашли Макухари шаҳрида “FOODEX — 2013” Халқаро озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар кўрғазмаси бўлиб ўтди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Мазкур халқаро тадбирда дунёнинг олтидан ортқ мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон делегацияси вакиллари ҳам иштирок этди. Унда “FOODEX — 2013” кўрғазмаси қатнашчилари ва меҳмонларига юртимиз заминиде етиштирилган асал маҳсулотлари намойиш этилиши баробарида, Япония компаниялари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган учрашув ва музокаралар ҳам ўтказилди.

“Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида “Kawaguchi Trading Co. Ltd.” савдо компанияси президенти Кен Ито ўзи раҳбарлик қилаётган компания хориж мамлакатларидан Японияга асал маҳсулотларини импорт қилишга ихтисослаштирилганини маълум қилди. “Бундан ташқари, биз янги инновация технологиялари ёрдамида асални қайта ишлаш ва қадқлаш ишлари билан ҳам шуғулланамиз”, деди у.

К. Итонинг сўзларига қараганда, халқаро кўрғазма чоғида Ўзбекистон вакиллари томонидан намойиш

этилган экологик тоза ва табиий асаллар ўзининг ажойиб таъми билан хориждаги, хусусан, Япониядаги асал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи компаниялар эътиборини ўзига жалб қилди. Шунингдек, у мамлакатимиз асаларчилик хўжалиқларининг фаолияти билан яқиндан танишиш ҳамда ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида юртимизга бориш истагида эканлигини билдирди.

Япония Ташқи савдонинг ривожлантириш ташкилотининг Халқаро савдо ярмаркалари департаменти директори Такаши Цунеми Ўзбекистон делегациясининг “FOODEX — 2013” халқаро кўрғазмасидаги иштироки юртимизда етиштирилган табиий тоза асал маҳсулотлари билан яқиндан танишиш ва ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилишда муҳим ўрин тутганини қайд этди.

(Давоми 2-бетда).



Аввал хабар қилганимиздек, шу кунларда пойтахтимиздаги мухташам “Ўзбекистон” спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида IV жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Унда вакилларимиздан ташқари, АКШ, Хитой, Австралия, Испания, Италия, Хиндистон, Индонезия, Шри-Ланка, Бангладеш, Вьетнам, Мексика, Бразилия, Венгрия, Польша, Озарбайжон каби 70 давлатдан келган 500 нафарга яқин спортчи голиблик учун куч синаяпти.

## Қизгин беллашувлар, дастлабки натижалар

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур жаҳон чемпионати 2014 йилнинг август ойида Хитойда ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган II Олимпиада ўйинларига йўлланма берадиган дастлабки ва энг асосий мусобақа ҳисобланади. Шу боис ҳам унга бўлган қизиқиш ва

эътибор жуда юқори. Қоидага мувофиқ, ўсмирлар ўртасида умумжамоа ҳисобида 1-9-ўринни эгаллаганлар иккитадан, 10-16-ўринни банд этганлар биттадан лицензия соҳибига айланади. Қизлар баҳсида эса 1-7-ўринни қўлга киритган терма жамоаларга

иккитадан, 8-15-поғонадан жой олганларга биттадан йўлланма тақдим этилади. Нанкин Олимпиадасининг қолган лицензиялари жорий ва келгуси йилда ташкил этиладиган китъа чемпионатларида бериллади.

(Давоми 2-бетда).

## Киска сатрларда

Бугун пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш

ҳафталиги” тадбирлари бошланади. Мазкур ҳафталик доирасида “Соғлиқни сақлаш — ТИМЕ”, “Фармацевтика саноати — Apteka Expo Central Asia” ҳамда “Стоматология” номли кўрғазмалар бўлиб ўтади.

Термиз шаҳридаги ахборот-ресурс марказида “Китобсеварлар” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунига етди. Унда термизлик Комила Шойимова голибликни қўлга киритиб, ижодий кўрикнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Гулистон шаҳридаги қурилиш касб-хунаро коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда шаҳардаги 30 дан зиёд корхона ва ташкилотлар 439 та

бўш иш ўрни билан қатнашди. Яқинда 54 нафар битирувчи ишга йўлланма олди, 48 кишига меҳнат қонунчилигига доирдан хуқуқий маслаҳатлар берилди.

Жалолқудук тумани марказидаги маданият ва истироҳат боғи ҳудудида “Қамолот боғи” ташкил этилди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан барпо қилинган ушбу сўлим хиёбонга умумтаълим мактаблари ҳамда касб-хунаро коллежлари ўқувчилари томонидан 3 минг туп арча дарахти ўтказилди.

Шаҳрисабз туманидаги “Ладн Зайтун” корхонасида мебель ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунинг учун банкининг туман бўлимидан олинган

100 миллион сўмлик кредит маблағи ва корхонанинг ички имкониятлари ҳисобига хориждан илгор технологиялар харид қилинди.

Самарқандда силга қарши курашиш диспансери қишда ўз ўрнини жарроҳлик мажмуаси фойдаланишга топширилди. Беморлар ва шифохона ходимлари учун барча қулайликларга эга ушбу янги иншоотни бунёд этиш ҳамда болалар бўлимини таъмирлаш учун қарийб 5,5 миллиард сўм сарфланди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



## СОЛИҚ ЮКИ КАМАЙТИРИЛМОҚДА

2012 йилда мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилиб, кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари

5 фоизга туширилди.

Бу кичик ишлаб чиқариш субъектларига катта мадд бўлиб, солиқдан тежалган маблағ уларнинг фаолиятини кенгайтириш, қувватларини хорижнинг энг замонавий ва илгор технологик ускуналари билан қайта жиҳозлаш, ишчи-ҳодимларининг ижтимоий муҳофазасини қўлайтириш имконини бергани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

# Улуғ Соҳибқирон ёди



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тадбирда Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Нозим Ҳабибуллаев, Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Манара Риккардо, ёзувчи Нормурод Норқобилов, ар-

хитектура доктори, профессор Додо Нозилов мустақиллик йилларида Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида маънавиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар жараёнида Амир Темур мероси шижоат, мардлик ва адолат фалсафаси сифатида

қадр ва эъзоз топаётганини таъкидлади. Ўзбек миллий академик драма театри актёри Тolib Мўминов Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов қаламига мансуб «Соҳибқирон» драмасидан Амир Темур монологини ўқиб берди.

Тарихий манбалардан маълумки, Муҳаммад Тарағай Баходур ўғли ёшлик чоғидан мард, довурак, гурурли, ўткир зехн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Иймон-эътиқодли, ҳалол-пок инсон бўлиб етишди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди. Унинг ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Фарб давлатларида ўрнак ва андоза сифатида ўрганилди. Соҳибқирон замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусика, шеърят беқиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди.

Уша даврнинг олимлари, тарихчилари, хорихий мамлакатлар элчилари ул зотнинг эзгуликка йўрилган сиёсатидан таъсирланиб, асарлар битишган, фикрлар билдиришган. Хусусан, тарихчи Шарафиддин Али Яздий бундай деб ёзган эди: «Олам равнақи ва рўшнолиги йўлида ҳафсаласи ниҳоятда юксак Амир Темур ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди».

Темурийлар салтанати Осиё ва Европа қитъасидаги йирик салтанат ҳамда давлатлар билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйиб, «Куч — адолатда»

тамоийли остида тинч-тотув қўшничилик муносабатларини шакллантирди. Бинобарин, бу тамоийил асрлар оша бутун дунёда ҳамкорлик, аҳиллик, дўстлик, ўзаро муносабатларнинг теран мазмунини англаштиб, бундай ришталарнинг янада мустаҳкамланишига даъват этиб келмоқда. Шу маънода, абадиятга дахлдор ушбу ҳикмат ёш авлоднинг улуғ ажодимизга хос оқиллик ва одиллик, мардлик, қатъият, шижоат сингари маънавий фазилатлар соҳиби бўлиб улгайишида муҳим аҳамиятга эга.

Иштирокчилар Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Тантананда Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Боситхонова, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов иштирок этди.

Шу кун Темурийлар тарихи давлат музейида «Темурийлар даврида илм-фан ва маданият» мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди.

Шунингдек, бу ерда «Буюк соҳибқирон — буюк бунёдкор» деб номланган кўргазма ҳам очилди.

Максуд ЖОНИХОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Янгиликлар, воқеалар,

## хабарлар

Нурота қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи битирувчиси Шаҳноза Жўракулова яқинда иш бошлаган «Nurota textil» корхонасида меҳнат қилмоқда.

### Юқори сифат кафолати

— Банкдан олинган 144 миллион сўмлик кредит эвазига замонавий тикув дастгоҳлари харид қилганмиз, — дейди корхона раҳбари Олим Яхёев. — Мазкур технологиянинг афзаллиги шундаки, у юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишини кафолатлайди. Шу билан бирга, анча тежамкор. Фаолиятимизнинг дастлабки даврида чет эллик миқозлардан қарийб 450 минг АҚШ долларлик буюртмалар ҳам олдик.

Айни пайтда Шаҳноза сингари 50 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган ушбу корхонада йилга 2,7 миллиард сўмлик 30 турдаги трикотаж маҳсулотлари тайёрланапти.

А. ЗАРИПОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Янги корхона иш бошлади

Бўз тумани тадбиркорлари Обод турмуш йиллигининг дастлабки чорагини истиқболли лойиҳаларни рўйбга чиқариш, кўплаб янги иш ўринлари яратиш билан якунладилар.

Чунончи, ипак гилам, поёбазал, нотўқма матолар, мебель ва бошқа маҳсулотлар энди шу ернинг ўзиде тайёрланапти.

Йўлчиёв номидаги маҳаллада яшовчи тадбиркор Б. Турғунов «Бекзод транслюкс» МЧЖни ташкил этди. Йилига 20 мингдан ортиқ

кийим-бош ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу корхонага 57,4 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий тикув дастгоҳлари келтирилди. Бу, ўз навбатида, 32 нафар ёш иш билан таъминлаш имконини берди.

О. ШОДМОАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Фаолияти кенгайди

Қамаши туманидаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Умид» корхонаси фаолияти кенгайтирилгач, ишчилар сони 100 нафарга етди.

Шунга мос равишда бу ерда замонавий эшик ва ромлар, металл профили дарвоза ҳамда нақшинкор панжара тўсинлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Айни пайтда ойига 50 миллион сўмлик эшик ва дераза ишлаб чиқараямиз, — дейди корхона раҳбари Сайдил Холиёров. — Бундан ташқари, 326 миллион сўмлик банк кредити эвазига 5 тонналик юк юкларига ва 30 тонналик юк ташиш машинасини келтирдик. Юқори туманда касб-ҳунар коллежлари қурилишида ўндан ортиқ техника воситаларидан фойдаланилмоқда.

А. МУҲАММАДИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Шаҳар кўчаларида замонавий автобуслар

Жиззах шаҳрида «Исузу» автобуслари қатновининг йўлга қўйилиши ҳудуд аҳолиси ва меҳмонлари учун катта қулайлик яратди.

— Транспорт хизматини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган дастурга асосан, шаҳримиз ҳудудига эски транспорт воситалари ўрнига замонавий автобусларда йўловчи ташишни жорий қилаёмиз, — дейди Жиззах шаҳар йўловчи ташиш департаменти бошлиғи Баҳодир Пардаев. — Шу пайтгача бундай автобуслардан 20 таси келтирилди, ҳозирги пайтда улар иккита йўналиш бўйлаб қатнамоқда.

Тез орада «Отабексупер-транс» ва «Жиззахолимпик» масъулияти чекланган жамиятлари томонидан бундай автобуслардан яна 130 тасини келтириш режалаштирилган.

У. АДИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Оқолтин адраслари

— Ипак ва адрас матоси бугун кўпчилик хари-дорларда қизиқиш уйғотмоқда, — дейди «Ипак Шердор-Шерозий» МЧЖ раиси Нурали Одинаев.

— Ўтган йили «Ўзмилийбанк»нинг Сирдарё вилояти филиалидан 65 миллион сўм миқдорда кредит олиб, бир сменада 15 тонна пиллани қайта ишловчи цехни ишга туширдик. Яқинда эса корхонамизга 3 хил рангда 200 метр адрас тўқийдиган 7 та тўқув дастгоҳини келтириб, ўрнатдик. Тадбиркорлик фаолиятининг кенгайтирилиши натижасида 30 нафар ёш мутахассис иш билан таъминланди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Оқолтин туманида ўтган йили кичик бизнес субъектлари томонидан 900 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

Ш. ХОЛМУРДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Яхлит хизматлар мажмуаси

Ангрен шаҳар телекоммуникация боғламаси қошида «Узтелеком»нинг махсус савдо офиси ҳамда аҳолига намунали хизмат кўрсатиш маскани фаолият бошлади.

Этиборлиси, унда абонентларга кўрсатиладиган яхлит хизматлар мажмуаси «Ягона ойна» тамойилига асосланган.

Хусусан, бу ерда миқозларга сифатли ва чегараланмаган телефон, CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа, юқори тезликдаги интернет, интерактив телевидение (IPTV) ва бошқа тезкор хизматлар замонавий шарт-шароитларда тақдим этилмоқда. Шу билан бирга, шаҳар аҳли

шу жойнинг ўзиде аборот-коммуникация тўловларини ҳам тез ва осон амалга ошириш имконига эга бўлдилар. Айни пайтда мажмуа савдо уйида яратилган қулайликлардан 10 мингта яқин киши фойдаланапти.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда бундай замонавий савдо уйлари вилоятнинг 10 та туман ва шаҳрида ўз фаолиятини йўлга қўйган.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Ўзбекистон «FOODEX — 2013» кўргазмасида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унинг фикрича, табиий ва саломатлик учун кони фойда бўлган Ўзбекистон асаларичилик маҳсулотлари юқори сифати ҳамда алоҳида таъми билан истеъмолчиларнинг эътиборига тушган. «Бундан ташқари, Японияда ўтказилган экспертизалар натижалари ҳам ўзбек асалининг ижобий хислатларга эга эканлигини тасдиқлади», деди Т. Цунеми.

«JET Co. Ltd.» компаниясининг менежери Минору Фужимото табиий асал инсон организмиде моддалар алмашинувини меъёрга келтириб, иммунитетни кучайтириш ҳамда турли касалликларнинг олдини олиш ва бартафат этиш сингари шифобахш хусусиятларга эга эканлигини таъкидлади. «Асаларичилик жабҳаси вакили сифатида кўпгина давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам мазкур соҳани ривожланиш жараёни билан ақиндан танишман. Мамлакат раҳбарияти томонидан асаларичиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ушбу тармоқнинг изчил ривожланиб бориши, аҳоли саломатлигининг янада мустаҳкамланиши ва агроф-муҳит ҳолатининг яхшиланишида муҳим аҳамият касб этаётир», деди М. Фужимото.

Ўзбекистон делегациясига «FOODEX — 2013» халқаро кўргазмасидаги фаол иштироки учун ўз миннатдорлигини изҳор этар экан, «Тоуоһага Со. Ltd.» компаниясининг директори Кендзи Ичиношеки мазкур тадбир орқали Япония компаниялари ўзбекистонлик шериклар билан амалий алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш юзасидан самарали музокарадан олиб бориш

имкониятига эга бўлганидан мамнун эканлигини айтди. Унинг қайд этишича, Ўзбекистонда етиштирилаётган табиий асалнинг деярли барча турларига япониялик истеъмолчилар орасида талаб юқори. «Шу боис «Тоуоһага Со. Ltd.» компанияси ўзбек асалини Япония бозорига олиб киришни режалаштирмоқда», деди у.

«Жаҳон» АА,  
Токио

## Қизгин беллашувлар, дастлабки натижалар

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мусобақанинг биринчи кунини ўзбекистонлик спортчилар учун омадли келди. Хусусан, вазни 50 килограммгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Машхурбек Йўлдошев шангани даст кўтаришда 86 килограмм, силтаб кўтаришда 110 килограмм, икки кураш бўйича 196 килограмм натижага

эришиб, учта бронза медаль соҳиби бўлди. Ушбу вазн тоифасида 30 нафардан зиёд ёш спортчи совринли ўринлар учун курашганини ҳисобга олсак, Машхурбекнинг бу муваффақиятга эришиши осон кечмагани ойдинлашади.

Кеча ўсмирлар 56 кг., қизлар эса 48 кг. вазн тоифасида ўз имкониятларини намойиш этдилар.

Фазлиддин АБИЛОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



Мухаммад АМИН (ЎЗА) олпон сурат.

## Сўз — жаҳон чемпионати иштирокчиларига

Цзя СЕНХАЙ, оғир атлетикачи (Хитой): — Мен, аввало, жаҳон чемпионатини кўтаринки кайфиятда ўтказишимиз учун барча шарт-шароитни яратиш берган ташкилотчиларга, муҳташам «Ўзбекистон» спорт мажмуасига ташриф буюриб, бизни олқишлар билан қўллаб-қувватлаб турган мухлисларга алоҳида миннатдорлик билдиришмоқчиман.

Тошкент шаҳри мезбонлик қилаётган мазкур нуфузли мусобақа мен учун омадли бошланди. Гап шундаки, шангани даст кўтаришда 93 кг., силтаб кўтаришда 107 кг., икки кураш бўйича 200 килограмм натижа билан олтин медални кўлга киритдим. Бундан жуда хурсандман. Спортни севадиган, спортчиларни ардоқлайдиган Ўзбекистондек гўзал ва мафтункор мамлакатда эришган бу ютугим ниҳоятда қадрлидир.

Орозко АЙКЕР, мураббий (Колумбия): — Ўзбекистонни спортга, жумладан, оғир атлетика ривожига катта эътибор қаратаётган давлатлардан бири сифатида кўпчилик яхши билади. 2014 йили Хи-

тойда ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган иккинчи Олимпиада ўйинларига йўланма берадиган ва энг асосий мусобақа ҳисобланган мазкур жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш вазифаси айнан мамлакатимизга ишониб топширилгани ҳам бу ерда амалга оширилаётган ижобий ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир. Бундан, албатта, ҳар қанча фахрланса арзийди.

Фаолиятим давомида қатор халқаро турнирларда қатнашганман. Ана шу мусобақаларда ўзбекистонлик оғир атлетикачиларнинг маҳорати ва тажрибаси доимо диққатимни тортган. Мана бу чемпионатда иштирок этиш асносида юртингиздан яна янги истеъдодлар етишиб чиқётганига амин бўлдим. Уларнинг шижоати, ўзига бўлган ишончи жуда кучли. Шу боис терма жамоангиз лицензияларни кўлга киритишга энг асосий даъвогарлар қаторида тилга олинмоқда.

Хавиер САНЧЕС, оғир атлетикачи (Мексика): — Тошкентдан юқори натижа билан қайтиш ниятидамыз.

Лекин бу осон бўлмайдими. Чунки жаҳон чемпионатида кучсиз рақибнинг ўзи йўқ. Фақат жисмоний ва руҳий жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрган спортчиларига голибликка эришиши мумкин. Мураббийларимиз ҳам буни бот-бот таъкидлашаёпти. Ажойиб муҳит, байрамона кайфият ҳукм суриб турган мана бу спорт мажмуасида, ўйламанки, бор имкониятимни намойиш этиб, терма жамоам ютуғига муносиб ҳисса қўшаман.

Айтиш жоиз, ушбу спорт форуми нафақат медаллар учун кураш олиб бориш, балки моҳир оғир атлетикачилар билан яқиндан танишиш, ўзаро фикр алмашиш учун ҳам қулай фурсатдир.

Фабियो АРКАРО, оғир атлетикачи (Италия): — Гўзал, муҳташам спорт саройининг томошабинлар билан тўлиб-тошганини кўриб, очиги, ҳавасим келди. Ўзбекистонда оғир атлетикага эътибор нақадар юқори эканини, у энг оммавий спорт турларидан бирига айланганини ҳудди шу манзарага гувоҳ бўлган киши яққол тасаввур қилиши мумкин.

Юртингизга биринчи келишим. Пойтахтингиз Тошкент жуда чиройли шаҳар экан. Миллий ва замонавий услубда қурилган бинолар, озода кўчалар одамда ёрқин таассурот уйғотади.

Ён Чжу ПАК, оғир атлетикачи (Жанубий Корея):

— Оғир атлетика билан бир неча йилдан бери шугулланиб келаман. Жуда кўплаб халқаро мусобақаларда иштирок этганман. Лекин Тошкент шаҳри мезбонлик қилаётган мана бу катта спорт байрами мен учун унутилмас онларни тўхфта этмоқда. Кўплаб дўстлар орттирдим, тажрибали атлетлар билан танишдим, суҳбатлашдим.

Ўзбекистоннинг самимий, меҳмондўст одамлари, ажойиб ҳавоси, кенг ва раво кўчалари, ям-яшил хиёбонлари менга жуда ёқди. Миллий анъаналари ва урф-одатлари ҳам ўзига хос. Юртимга қайтган, кўрганларимни яқинларимга, албатта, гапириб бераман.

«Халқ сўзи» мухбири  
Шавкат ОРТИҚОВ ёзиб олди.

### Хоразм томонларда

Хонқа туманидаги «Хонқа дон» маҳсулотлари акциядорлик жамияти қошида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

### Лойиҳа ўзини оқлади

Бунинг учун 443 миллион сўм маблағ эвазига Германиянинг «Wachtel» компаниясидан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Ҳозир 24 киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада ойига 30 миллион сўмликдан ортиқ 10 турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланамоқда.

Этиборли жиҳати, йил бошдан буён туманда амалга оширилаётган ана шундай истиқболли лойиҳалар ҳисобига 1660 та иш ўрни яратилди.

### Мижозлар мамнун

Кўшқўпир туманида «Маст мева-сабзавот сервис» масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаши билан ҳудуд аҳолисининг сўт маҳсулотларига бўлган эътижи тўлиқ таъминланганидан бўлди.

Ҳозир корхонада ишлаб чиқарилаётган 16 турдаги сўт маҳсулотлари пешма-пеш озик-овқат дўконларига етказиб берилаяпти. Этиборлиси, жаммо аъзоларининг изланишлари натижасида бу ерда нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган янги линия ҳам ишга туширилди. Пировардида 5 кишининг бандлиги таъминланди. Жаммо йил охиригача 300 миллион сўмлик нон маҳсулотларини аҳоли дастурхонига тортиқ этишни режалаштирган.

Этиборли жиҳати, туманда жорий йил бошидан буён истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтирослаштирилган ана шундай 5 та корхона фаолияти йўлга қўйилди.

О. РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИР

“Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми” нодавлат нотижорат ташкилоти “Меҳр нури” жамғармаси ва “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази билан ҳамкорликда республикамиз бўйлаб хайрия тадбирлари ўтказмоқда. Ана шундай акциялардан бири Бухоро шаҳрида ҳам ташкил этилди.

Хайрия акцияси

Тадбир аввалида мазкур форум томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, хўнарамдўлар, маҳалла фаоллари, банк тизими ходимлари иштирокида семинар-тренинг ўтказилди. “Агробанк”нинг виллоят бошқармасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда юртимизда ишбилармонликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз борди. Унда “Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми”нинг мақсад ва вазифалари тўғрисида атрофлича фикр-мулоҳаза юритилиб, ушбу нодавлат нотижорат ташкилоти ташаббускор тадбиркор хўнарамдўларнинг, умуман, барча аҳоли қатламларининг яқин кўмакчиси бўлишга ва интилаётгани таъкидланди. Форум “Кучларни бирлаштирсак, кўп нарсага қодирмиз” шиори остида фаолият юрсатаётгани ҳам бежиз эмас. Оқик мулоқот тарзида ўтган семинарда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги фуқароларга ижтимоий ва бизнес лойиҳаларни амалга ошириш механизми ҳақида батафсил тушунчалар берилди. Улар ўзларини қизиқтирган кўп қаватли саволларга жавоб олдилар.

Шундан сўнг акция иштирокчилари Биби Орифа зияратгоҳи ҳудудида кўчат ўтказиш тадбирида қатнашди.

Хамкорликдаги яна бир тадбир Бухоро шаҳридаги “Султон” тўйхонасида бўлиб ўтди. Унга аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакиллари тақлиф этилди.

Тадбир доирасида “Agat aloqa servis” масъулияти чекланган жамияти директори Умиджон Шарипов ҳамда “Mirzob Mirshod Dlishod servis” хусусий корхонаси раҳбари Махбуба Полвоновага имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилди. Санъаткорларнинг меҳр-оқибат, муҳаббат, она-юртинг улуғловчи куй-қўшқлари даврага ўзгача файз бағишлади.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРALARNING НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 30 МАРТДАН 5 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг савдо реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низоми ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 18 мартдаги 6, 28, 01/2-04-10-41, 01-02/15-20, 2013-11-сонли қарори.

2013 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 976-1 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2. «Молиявий ҳисоботлар ва солиқ ҳисоб-китобларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 18 мартдаги 2013-14-сонли қарори.

2013 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1756-1 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1986-2 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2446 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2442 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2448 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1027-1 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1027-1 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1027-1 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1027-1 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 1 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1027-1 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1241-2 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

2013 йил 4 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449 (2013 йил 8 апрелдан кучга кирди).

Реклама ва эълонлар

«REALTOR EXPRESS KONSALTING» МЧЖ

томонидан 2013 йил 1 январдан 2013 йил 31 мартгача (1-чорак давомида) тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этилган савдолар орқали бўлиб ўтган

САВДО НАТИЖАЛАРИ

Table with columns: T/p, Object nomi, Joylashgan joy, Savdo bulib utgan sana, Sotuvchi, Boslangich bahosi, Sotilish bahosi, Object maydoni, Object uluch, Sotilish bahosi, Sotilish bahosi, Sotilish bahosi, Sotilish bahosi.

Савдо ташкилотчиси

«REALTOR EXPRESS KONSALTING» МЧЖ

томонидан 2013 йил 1 январдан 2013 йил 31 мартгача (1-чорак давомида) тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этилган савдолар орқали бўлиб ўтган

САВДО НАТИЖАЛАРИ

Table with columns: T/p, Object nomi, Joylashgan joy, Sotuvchi, Savdo bulib utgan sana, Boslangich bahosi, Sotilish bahosi, Object maydoni, Object uluch, Sotilish bahosi, Sotilish bahosi, Sotilish bahosi, Sotilish bahosi.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси учун компьютер техникалари етказиб бериш ТЕНДСО-2013-1»

лойиҳаси бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади ва тендерда қатнашиш учун маҳаллий ва хорижий ташкилотларни, шу жумладан, кичик бизнес корхоналарини ҳам тақлиф этади.

Тендер мавзуси. Лот № 1 — 2300 дона компьютерни харид қилиш. Лот № 2 — 1500 дона принтерни харид қилиш.

Товарни етказиб бериш шартлари — 60 банк кунидан кечикмаган ҳолда.

Харид қилинадиган товарнинг энг юқори баҳоси: компьютернинг бир донаси учун — 1 800 000 сўм, принтернинг бир донаси учун — 1 000 000 сўм.

Тендерда иштирок этиш ва малакавий танловдан ўтиш учун аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

Тендер тақлифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2013 йил 10 май соат 18.00 гача.

Тендер иштирокчилари тендер ҳужжатлари ва уни ўтказиш тартиби билан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қуйидаги сайтида танишишлари мумкин: www.soliq.uz

«KOSCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Косон тумани СИБ томонидан ЖИБ Косон тумани судининг 2012 йил 24 сентябрдаги ижро варақасига асосан хатланган кўчмас мулклар тақоран қўйилмоқда:

- 1. Косон тумани, «Арабхона» МФЙ, Косон м. Бобошарипов кўчаси жойлашган, умумий майdonи 1088 кв.м. бўлган яшаш уйи. Бошланғич баҳоси — 104 447 200 сўм. 2. Косон тумани, «Арабхона» МФЙ, Косон м. Маймақов йўлида жойлашган, умумий майdonи 1267 кв.м. бўлган яшаш уйи. Бошланғич баҳоси — 216 768 100 сўм.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-қават, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+998 93) 577-22-12. Лицензия: RR-0052.

«SN INVEST» компанияси

қуйидагиларни етказиб беради:

- гўзапоша ўрайдиган комбайн
• ўт ўрайдиган комбайн
• макка ўрайдиган комбайн
• жўхори йиғувчи комбайн
• КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
• пресслайдиган мослама
• сомон йиғувчи мосламалар
• тракторлар
• бoғ ва ферма учун тракторлар
• гусяницали тракторлар
• картошка терайдиган комбайн
• картошка экайдиган комбайн
• бугдой экайдиган селякка
• дори сепайдиган мосламалар
• сачратиб сугурувчи мосламалар
• ем майдалаб тарқатувчи техника
• культиваторлар
• плуг, айланма плуг, дискали плуг
• юкловчи экскаватор, бульдозер

Tel: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz

Ўзбекистон Республикаси Солиқни сақлаш вазирлиги вазири ўринбосари Асамилдин Исҳоқович Камилловга турмуш ўртоғи Лолаҳон Раҳмонова МУҲАММЕДОВАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Бадий ижодкорлар уюшмаси жамоалари ёғоч ўймакор Муҳаррам Нигматовна ИБРОХИМОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзбекфильм” ОАЖ жамоаси устоз санъаткор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, постановкачи-кинорежиссори Назмиддин Қўтбидинович ҒУЛОМОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# Бунёдкорлик, Ободлик,

# Фаровонлик



Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жой массивлари кўркамлиги, зарур инфратузилмага эгаллиги билан халқаро эътирофга сазовор бўлаётти.

## Кўркам ва чароғон гўшалар

— Ҳар гал намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган уй-жойларни кўрганимда, меъмор сифатида хайратга тушаман, — дейди Бухоро шахрида яшовчи кекса меъмор Исмаил Мухомидов. — Бундай мухташам уйлари биз илгари ҳаёлимизга ҳам келтира олмадик.

Бухоро вилоятида 2012 йилда намунавий лойиҳалар асосида 32 та массивда 630 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бухоро туманидаги Қавола аҳоли пункти ҳудудида қад ростлаган уй-жойлар барчаннинг ҳавасини келтиряпти.

— Тўрт хонали бу уйга кўчиб келганимизга роппа-роса бир йил бўлди, — дейди Алишер Исомов. — Ҳозир ҳудудда яшаётган-

дек ҳис этаёلمиз. Чунки бу уй маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда пишиқ гиштдан қурилган. Қишда иссиқ, ёзда салқин. Яна бир маъқул жиҳати, бу уйларда хонадон бекаларининг рўзгор юмушларини бажаришлари учун бачка қулайликлар яратилганидир. Овқат пишириш, чой қайнатиш учун ташқарига чиқишга ҳожат йўқ. Турмуш ўртоғим, икки фарзандимиз ҳам янги уйимиздан мамнун.

Бу ердаги шинам уйлاردан бирининг олдида турган онахон билан суҳбатлашдик. Саодат ая Қурбонова ўғли Жамшиднинг уйига меҳмонга келган экан.

— Жамшиддон ўғлимнинг касби ҳисобилик, келиним Ферузахон эса

ҳамшира, — дейди у. — Уч нафар фарзанди бор. Янги уйда уларнинг роҳатланиб яшаётганини кўриб хурсанд бўламан. Болаларининг ҳар бири учун алоҳида хона бор. Дарс қилиш учун ҳам барча шароит яратилган. Невараларимга қараб, болалигим эсимга тушади. Қишнинг совуқ кечаларида бир уйда тикилишиб ётардик. Тунука печканинг тунундан уй деворлари қорайиб кетар, сандал устига китоб-дафтарни қўйиб, дарсимизни қилардик. Хукуматимизга раҳмат. Янги уйнинг қалитини бир йил ўтар-ўтмас қўлга тутқаздик. Иккинчи ўғлим Жаҳонғиржон ҳам ана шундай уй орзусида юрибди.

Намунавий лойиҳалар асосида

қурилатган уйлар одамларнинг турмуш тарзи, тафаккурини ўзгартирмоқда. Уларни ҳаётга янгилик билан қарашга ундапти.

— Ҳар гал шу уйлар олдида ўтганимда кўнглим равшан тортади, — дейди “Қавола Маҳмуд” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Гулсара Мукраммова. — Юрагимда гурур уйғонади. Бу хонадон эгаларига ҳавасим келади. Бу туйғу қишлоқдошларимизга ҳам бегона эмас. Худудимизда мингдан зиёд хонадон бор. Намунавий уйларга ҳавас қилиб, бошқа оилалар ҳам тураржойларини замонавий қиёфага келтиришмоқда.

Мухими, намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойлар сони йил сайин кўпаймоқда. Обод турмуш йилда ушбу туманда 189 та уй қурилиши режалаштирилган бўлиб, вилоят бўйича жами 730 та тураржой қад ростлади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, мажкур мақсадларга 95 миллиард сўм сарфланган.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Президентимиз “Биздан озод ва обод Ватан қолсин!” деган иборани қайта-қайта такрорлайдилар. Юрагимизнинг тўридан жой олган ушбу даъват ҳар биримизни ҳаётдан мамнун бўлиб яшашга ундаш билан бирга, яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларига ҳам руҳлантирмоқда.

## Ғамхўрлик шарофати

Юртдошларимизнинг ана шундай ғайрат-шижоати тўғрисида эндиликда нафақат туманимиз маркази, балки маҳалла ва қишлоқларимиз ҳам таниб бўлмас даражада гўзал қиёфа касб этди. Қайқа қараманг, бунёдкорлик ва ободончилик ишларига кўзингиз тушади. Хусусан, “Тошқўрғон” массивида намунавий лойиҳалар асосида 26 та уй барпо этилган эди. Кейинчилик ушбу уйларга уйғун тарзда замонавий дўконлар, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлади. Йўллар созланиб, атрофлари қўқаламзорлаштирилди.

Этиборли жиҳати, тадбиркорларимиз ҳам ташаббус кўрсатиб, қишлоғимизнинг янада обод бўлишига муносиб ҳисса қўшишга интиломоқда. Уларнинг хайрли ишларига маҳалла аҳли — каттаю кичик бажонидил қўшилмоқда. Ахир озод юртининг ҳар бир гўшаси обод бўлмоғи керак-да.

Қосимжон СУЛАЙМОНОВ, Кўрғонтепа туманидаги «Кўрғонтепа» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

## Миннатдорлигимиз чексиз

Бу йилги Наврўз айёми оиламизга ҳақиқий хурсандчилик ҳада эди. Гап шундаки, байрамни намунавий лойиҳа асосида қурилган янги ва замонавий уйда кутиб олдик. Кенг меҳмонхона дейсизми, ўғил ва қиз болалар учун алоҳида хоналар дейсизми, ошхона, гараж ва айвон дейсизми — барчаси мавжуд.

Президентимиз эътироф этганларидек, ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳар томонлама қўлай ва обод уйларда қай-қандай ва қарашларимиз, эртанги кунга ишончимиз ҳам бўла-ча бўлмоқда. Бундай уйлар хонадон бекалари — биз, аёлларнинг оғирини енгилаштириб, турмуш шароитимизни яхшиламоқда.

Дарҳақиқат, уйимизга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Муқтабилик деб аталувчи маҳалламиздаги 130 та оила бугун шундай деярли. Уларнинг ҳар бири қишлоқ одамларига шундай тўқис шарт-шароит яратиб, ғамхўрлик кўрсатётган Юртбошимизга миннатдорлик билдирмоқда.

Мафзуза ОЧИЛОВА, Ҳазор тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси.

## Пойдевори мустақам иморатлар

Ҳар қандай иншоот, аввало, лойиҳага асосланади. Яъни унинг лойиҳаси қанчалик пишиқ ва пухта бўлса, қурилажак объект узоқ йиллар зимат қилади. Сурхондарё вилоятининг Термиз, Қумқўрғон, Олтинсой ва Бойсун туманларида қурилатган янги тураржойлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этаётган корхонамиз мутахассислари ана шу қоидага қатъий амал қилмоқда.

Айтилик, тоғли Бойсун туманининг Бибиширин массивида уй-жойлар қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқишда ерни замонавий ускуналар ёрдамида қотириш, пишиқ гиштдан терилган деворлар бурчаклари орасига арматураларни пайвандлаш, бетон ёрдамида зилзилабардошлигини ошириш масалалари эътиборга олинди, шунингдек, иморатларни шамолнинг йўналишига тескари ҳолатда тиклаш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Бу қўлай яратиши баробарида, биноларнинг қишда иссиқ, ёзда эса салқин бўлишини таъминлайди.

Яна бир эътиборли томони шундаки, қишлоқларда қурилиши лойиҳалаштирилган уй шифтларининг баландлиги 3 метрдан зиёд

Мухаммадидо ОДИНАЕВ, Термиз шахридаги «Уйжойсаноатсўв-қурилиш» хусусий корхонаси директори.

## Чўлдаги бўстон

Навоийликлар бугун Ҳазора қишлоғига боришга ҳавасманд. Чунки, асосан, чўлда жойлашган ушбу манзил файзу тароватга тўла.

Маҳалла гузари, кичик бозорча, нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона, минимаркет, ҳаммом ва бошқа шохобчалар аҳоли хизматида.

Жорий йилда Кармана туманида намунавий лойиҳалар асосида 320 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлса, шундан 10 тасини Ҳазора массивида барпо этиш мўлжалланган. Айни пайтда биз бу юмушларни бажаришда фаол қатнашган ҳолда, зиммамиздаги мажбуриятни тўлиқ унда-лашга ҳаракат қилаёلمиз. Негаки, чўлда бўстон яратиш саёби ишларнинг энг савобидир.

Гулнора ШОДИЕВА, «Маликрат қурилиш-монтаж» масъулияти чекланган жамияти раиси.

## Бу уйларнинг файзи беқиёс

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мажкур тураржойлар қурилишига 134 миллиард 829 миллион сўм йўналтирилди. Шу билан бирга, 25,2 километр узунликда йўллар қурилиб, 73,8 километрлик электр энергияси, 52,2 километрлик табиий газ ва 77,3 километрлик ичимлик суви тармоқлари ишга туширилди. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, нон ва макарон тайёрлаш цехлари, ҳаммом, дорихона, гузар, бекат, минибанк, қишлоқ врачлик пункти ҳамда мухташам мактаб бинолари фойдаланишга топширилди.

Қишлоқлардаги бу каби кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, ўз навбатида, тармоқда ихтисослаштирилган пудратчи ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, шунингдек, қурилишоб материаллар ишлаб чиқарувчи корхоналар қувватларини

оширишни талаб этмоқда. Шунини ҳисобга олиб, вилоятимизда пудратчи ташкилотларни 75 тага, гишт ишлаб чиқариш корхоналарини 45 тага етказдик. Бундан ташқари, бир қатор саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектларида қурилиш ашёлари ҳамда жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Масалан, биноларни иситиш тизими учун мўлжалланган махсус қозонлар Наманган шахридаги “Мехмаш” очик акциядорлик жамияти, сантехника жиҳозлари “Муссаффо полимер” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган. Янгиқўрғон туманидаги “Эталон” кўп тармоқли корхонаси эса ички ва ташқи коммуникация тизимини полимер қувурлар билан таъминлаб келаётган. Айниқса, ҳозир вилоят марказидаги “Калибр пласт” хусусий корхонасида пластик ромлар

тайёрлаш ўзлаштирилгани айни мuddа бўлди. Қишлоқларни комплекс равишда қуриш орқали уларнинг қиёфасини ўзгартиришга йўналтирилган хайри ишлар Обод турмуш йилида янада қизгин тус олган. Айни пайтда 700 та тураржой бунёд этилаётгани ана шундан далолат беради.

Мухтасар айтганда, вилоятимизда амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ишларидан кўзланган пировард мақсад битта: аҳолининг фаровон ҳаёт кечиршини таъминлаш. Шундай экан, бу борадаги хайрли ташаббуслар, эзгу саяёҳаракатлар янада кенг қўламли касб этиб бораверади.

Шухратжон МАҲМУДОВ, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясининг Наманган вилояти филиали директори.

## 2013 йилда мамлакатимиз қишлоқларида қурилиш режалаштирилган уй-жойлар тўғрисида

### МАЪЛУМОТ

Қорақалпоғистон Республикаси	550 та
Андижон вилояти	900 та
Бухоро вилояти	730 та
Жиззах вилояти	550 та
Қашқадарё вилояти	1050 та
Навоий вилояти	600 та
Наманган вилояти	700 та
Самарқанд вилояти	1050 та
Сурхондарё вилояти	810 та
Сирдарё вилояти	430 та
Тошкент вилояти	1050 та
Фарғона вилояти	850 та
Хоразм вилояти	730 та
Республика бўйича:	10000 та

## Бахтли ҳаёт таровати

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Ўтган йили мана шу беш хонали уйга кўчиб ўтдик, — дейди Мирзаобод тумани Ҳайдар массивидаги замонавий ховлилардан бирининг бекаси Мавлуда Арипова. — Қаранг, хоналари кенг, ёр ва шинам. Ошхонада яратилган шароитни айтмайсизми?! Биз, қишлоқ аёлларининг орзуси ушалди: табиий газ, иссиқ ва совуқ сув бор, роҳат қилиб яшаймиз.

Очиғи, уйимиздан меҳмон аримай қолди. Ховли-жойимизни кўрган яқинларимиз, дўстларимиз ҳаваси келиб, уларда ҳам намунавий лойиҳадаги тураржойларга буюртма бериш истағи туғилганини айтишмоқда. Буни эшитиб, ич-ичимдан қувонаман. Бу хайрли ишларнинг бошида турган, қишлоқ аҳолисига оталарча ғамхўрлик қилаётган Юртбошимизга минг раҳмат!

— Янги маҳаллага кўчиб келганларнинг асосий қисмини Мавлуда ва Санжарбек Ариповлар сингари ёш оилалар ташкил қилади, — дейди “Богистон” қишлоқ фуқаро-

лар йиғини раиси Эгамжол Қўлиев. — Фарзандларини жисмонан соғлом ва барқамол қилиб тарбиялашлари учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, 96 ўқувчига мўлжалланган бошланғич синфлар мактаби ишга туширилган. Қола-

верса, “Наврўз” қишлоқ врачлик пункти, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 2 та болалар спорт майдончаси уларнинг ихтиёрига берилган. Ҳушдорлигиз айтинг, бу ердаги шароитнинг ҳайратдангидан нимаси кам?!

Худудда замонавий ховли-жойларга бўлган талаб ортиб бораётгани инобатга олиниб, қурилиш ишлари ҳажми ҳам шунга мос равишда оширилмоқда. Мажкур массивда шу кунгача 160 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, 2013 йилда яна 100 та тураржой, битта гузар, шунча савдо мажмуаси қурилиши бошлаб юборилган. Бу иморатларни эгаларига “қалити билан” топшириш вази-фасини зиммасига олган “Электрурқурилиш”, “Анварбек”, “Боёвуполитех-қурилиш”, “Гулистонбино-кор” каби қурилиш ташкилотлари мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солмоқда.

— Жорий йилда вилоятнинг 8 та туманида намунавий лойиҳалар асосида 430 та уй-жой қурилиши белгиланган, — дейди “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компа-

ниясининг вилоят филиали директори Нурпўлат Ишмиев. — Бу жойларда бунёдкорлик жадал давом эттирилмоқда. Тураржойларни шу йилнинг октябрь ойида тўлиқ фойдаланишга топшириш чора-тадбирлари қўрилаяпти. Бунинг учун имконият ҳам, шарт-шароит ҳам етарли.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда намунавий лойиҳадаги уй-жойлар учун зарур қурилиш материалларини етказиб бериш бўйича ҳам изчил чора-тадбирлар қўрилмоқда. Хусусан, ўтган йили Боёвут ва Сайхунобод туманларида йилига 10 миллион дона пишиқ гишт, Гулистон шахрида 8 минг дона темир-бетон плиталари ишлаб чиқариш қувватига эга корхоналар ишга туширилди. Шунинг қисомига қурилиш учун талаб этилаётган бундай маҳсулотларнинг 80 фоизини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан таъминлаш йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, қурилиш маҳсулотлари таннархини арзонлаштириш, уй-жойларни белгиланган муддатларда сифатли қуриб битказиш имконини бераётгани билан аҳамиятlidir.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, Ҳасан ПАЙДОВ (суратлар), «Халқ сўзи» муҳбирлари.



**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонучилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 115 687 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятта келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бугаев.  
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.  
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5